



Шоикром айвон тўридаги сандал четида хомуш ўтирарди. Аллакачон бахор келиб, кунлар исиб кетганига карамай, хамон сандал олиб ташланмагани, аммо ҳеч ким бу тўғрида ўйлаб кўрмаганини у энди пайкагандай гаши келди. Бўз кўрпа устидан ёпилган, шинни доғи котган курок дастурхон ҳам ҳозиргина гўжадан бўшаган споол товок, банди куйган ёғоч қошиқ ҳам унинг кўзига хунук кўриниб кетди. Аммо бепарволик билан кўл силтади-ю, дўпписини сандал устига ташлаб ёнбошлади.

Ярим кеча бўлиб колган, атроф жимжит. Факат олисларда ит улийди. Айвон тўсинидаги узун михга илиглик лампочка хира нур таратади. Чирок атрофида ўралашган чивинлар бир зум тинмайди. Ховлининг ярмигача арик тортиб экилган кулупнай пушталари орасида сув ялтирайди. Онда-сонда ранг олган кулупнайлар кўзга ташланиб қолади. Каёқдандир шамол келди. Ховли этагидаги ёнгок шохлари бир гувиллаб кўйди. Шоикром уйку элита бошлаган кўзлари билан ўша томонга каради-ю, тер хиди анкиб турган лўлаболишга бошини ташлади. Шу ондаёқ яна ўша товокка, банди куйган қошиққа кўзи тушиб, тагин гашланди. “Зикна бўлмай ўл!- деб ўйлади хотинини сўкиб.-Азалдан курумсок эди, замон оғирлашгандан буён баттар бўлди”.

Ичкарида чакалок йиглади. Бешиқнинг гирчиллагани эшитилди. Бола худди шуни кутиб тургандай, баттар бигиллай бошлади. Каттаси ҳам уйғониб кетди шекилли, кўшилишиб йигилишга тушди.

Шоикром силтаниб каддини ростлади.

- Овозини ўчир, Хадича!

Ичкаридан хотинининг бешиқни муштлагани, зардали товуши эшитилди:

- Овози ўчса қошқийди! Тўқкиз кечасида жин теккан бунга!

“Камбагалнинг эқкани унмайди, боласи кўпаяди ўзи,- деб ўйлади Шоикром ижарганиб. – Шу кунимдан кўра урушга бориб ўлиб кета колганим яхшийди”.

Уни урушга олишмади. Тўқимачилик комбинатида монтер етишмасмиди, ё ўзи яхши ишлармиди, ҳар калай, уни олиб қолишди. Шоикром уруш бошланишидан сал олдин уйланган эди. Уруш бўлди-ю, замон ўзгариб кетди. Бир хил одамлар тирноқка зор. Унинг хотини бўлса, ёнидан ўтиб кетса ҳам бошқоронги бўлаверади. Худо бергандан кейин ташлаб бўлармишми, деб кетма-кет учта киз тугиб берди. Урушнинг кора каноти узоклаб кетган бўлсаям, хамон унинг сояси одамлар бошига кўланка ташлаб турибди. Хали у кўшниникида аза очилади, хали бу кўшниникида.

Ховли этагидаги пастак эшиқ гийкиллади. Шоикром кафти билан кўзини чирокдан пана килиб каради-ю, шу томонга келаётган онасини кўрди. У уйланганидан кейин отадан колган ховлини ўртадан икки пахса девор олиб бўлишган. Бунгаям бир чеккаси Хадичанинг инжиклиги сабаб бўлган эди. Ҳар хил икир-чикир гаплар чиқаверганидан кейин Умри хола рўзгоринг бошқа бўлса ўзингга кайишасан, деб уларнинг қозонини бошқа килиб берди. Ўзи кичик ўғли Шонеъмат билан нариги ховлида колди.

Ранги униккан чит кўйлақ устидан нимча қийиб олган Умри хола шарпадай унсиз юриб

келди-да, япалок “мусулмон” гиштдан ясалган зинадан айвонга кўтарилди.

- Хали ухламовмидинг? – деди у зинадан энкайиб чикаётганида сурилиб кетган рўмолини кайта ўраб.

- Кўрмайсизми, чакалок тинчимаяпти. Ўзим итдай чарчаганман.

- Бола бўлгандан кейин йиглайди-да,- деди Умри хола юпатувчи товушда.- Ётавер, болам.- У ян ўша унсиз одимлар билан ичкари уйга кириб кетди.

Кайнана- келин бир бало килиб, болаларни тинчитишди. Кейин икковлари бошлашиб чиқишди. Хадича бир кўлида чойнак-пиёла, бир кўлида зогора нон келтириб, дастурхон устига кўйди.

- Чой ўлиб копти,- деди у зогора ушатаркан.

Умри хола Шоикромнинг ёнбошига, шапарак кўрпачага ўтирди.

- Ол ўзинг хам,-деди у томирлари бўртиб чиккан кўллари билан, сочилган увокларни йигиб огзига соларкан. Шоикром онасининг бармоклари тарс-тарс ёрилиб кетганинг энди пайкади. Илгари хам шунакамиди, йўкмиди, эслай олмади.

- Овкатингдан колмадими? – деди у чўккалаб ўтирганча чой куяётган хотинига караб. Хадичанинг узунчок саргиш юзи кизарди. Айбдордек махзун товушда узр сўради:

- Колмовди-я.

Шоикром унинг кизарганидан ёлгон гапирётганини сездди. Ким билсин, эрталаб ўзига иситиб бериш учун шунака деяётгандир...

- Йўк, болам, овкат керакмас,- деди Умри хола шошилиб.- Хаёл суриб ётибуйкум ўчиб кетди...- У бир лахза жим колди-да, ўзига гапиргандай секин кўшиб кўйди. – Пайшанба куни Комил тайибнинг уйига борувдим. Хар куни нахорга бир косадан кўй сути ичса, дард кўрмагандай бўлиб кетади, деди.

- Хозир кўй сути катта,- деди Хадича.- Сигир сути отликка ёг-у... шу пайтда сигиримиз туккан бўларди-я.

Шоикром хотинининг гапини эшитмади. Бирдан унинг кўз ўнгида пастак дераза остида шифтга тикилиб ётган укаси жонланди. Бир ховлида туриб ўн кундан буён холини сўрамаганига афсусланиб, ичидан хўрсиник келди. Шонеъмат Россиядан кўчириб келтирилган завод курилишида ишлай бошлаганида уни урушга олишмаганидан Шоикром суюнган эди. Гап бошка ёқда экан. Укаси сил экан. Шунинг учун колдиришган экан. Мана, уч ойдирки, ерга ёпишиб ётибди.

Шоикром ўн кунча илгари ишга кетаётиб бирров кириб укасидан хол сўраган эди. Ўшанда Шонеъматнинг кок суяк бўлиб колганини, катта-катта кўзлари нимагадир чукур маъно билан ўзига тикилганини кўрган эди.

“Якинда ўлади, - деб ўйлади у онасининг кўзига карамасликка харакат килиб, - барибир ўлади”.

- Тузукми? – деди у хаммаси учун ўзи айбдордай ковогини солиб.

- Шукур,- Умри хола култ этиб ютинди.- Хозир ухлади.- онаси шу топда чикиб овора бўлмагин, деган маънода гапирганини Шоикром тушунди.

- Эрталаб хабар оламан,- деди у онаси ўрнидан турганида.

- Сендан нега гина киларкан, болам,- деди Умри хола айвон лабида тўхтаб.- Кўриб турибди-ку. Эрталаб чикиб кетасан, ярим кечада кайтасан. Бу кунлар унут бўлиб кетади, болам.- Зинага ечган калишининг бир пойи тўнкарилиб колган экан, умри хола оёгининг учи билантўгрилайман деб, анча овора бўлди. Кейин зиналардан энкайиб тушди-ю, шарпадай унсиз юрганча, ховли этагига караб кетди. Пастак эшик гийкиллаб очилиб ёпилди.

- Падарига лаънат шунака турмушнинг! – деди Шоикром бўғилиб. Кейин дастурхонни йигиъштираётган хотинига ўшқирди.- Сениям падарингга лаънат! Тумшугингни тагидан сигирингни етаклаб кетса-ю, анкайиб ўтирсанг.

- Нега менга ўдагайлайсиз?- Хадича товокни кошикка уриб, йигламсиради.- Нима, мениам Илхом самоварчининг хотинидай сўйиб кетсинмиди? Сиз кечалари сменда бўлсангиз. Мен учта жўжа билан жонимни ховучлаб ўтирганим етмайдими?!

Шоикром хотинини тарсакилаб юбормаслик учун юзини ўгириб, тишини гижирлатди. Сув калкиса, лойкаси юкорига чиккандай, замон калкигандан буён ёмон кўпайди. Эрта бахорда уларнинг тугай деб турган сигирини ўгирлаб кетишди. Ўша кеча шоикром тунги сменада эди. Кечаси билан шаррос жала куйиб чикди. Шоикром тонг-сахарда бир нимани сезгандай кўнгли гаш тортиб, уйига кайтди. Келса хотини, болалари, онаси дод солиб ўтиришибди. Хадича огироёк эмасми, ўзи билан ўзи овора бўлиб билолмай қолибди. Эрталаб турса кўча эшик ланг очик, ёнгокка боғлоклик сигир йўк.

“Шу пайтгача сигир тугарди, укамнинг огзига акалли бир коса сут тутардим, - деб ўйлади Шоикром ўкиниб.- Кани ўшалар кўлимга тушса, чопиб ташлардим”.

Шундок деди-ю, эгаси минг пойласин, ўгри-бир мана, бундан икки ойча илгари Илхом самоварчининг хотинини пичоклаб кетишди. Бечоранинг битта-ю битта эчкиси бор экан. Ховлига ўгри тушганини билиб, хотин шўрлик дод солибди. Эри чоҳонада экан. Югуриб бориб эчкининг арқонидан ушлаганми, хуллас, етиб келган кўни- кўшнилари кора конига беланиб ётганини кўришибди.

- Шу кунда яна ўгри оралаб колди, - деди Хадича кўрпачани кокиб танча четига соларкан.- Кулупнай кизармасидан битта кўймай териб кетяпти.

-Ваҳима килма!- деди Шоикром ковогини ўйиб.- Болалар териб егандир. Ўгри кулупнайга келадими?

- Огзига бир дона олган бўлса буюрмасин. Нега келмас экан? Бир ховучини опчикиб сотса бир коса жўхори беради. Ана, бориб каранг, деворнинг бир чети ўпирилиб ётибди!

- Ваҳима килма!- деди Шоикром яна гўлдираб. Аммо бу сафар ўзининг ҳам юраги сесканиб кетганини пайкади. Кўнглида пайдо бўлган гашликни сездирмаслик учун ховлига тушди. Секин юриб, кулупнай пушталари олдига келди. Ариқлардаги сув чирок нурида ялтираб, шамолда жимирлар, маржондай териблик ранг олганкулупнайлар сувга тегай-тегай деб турарди.

“Рост-да,- деб ўйлади у пушталар атрофида айланаркан,- бир ховуч кулупнайга бир товок жўхори беради. Тансик нарса... хадича ёлгон гапирмайди. Болалар еган бўлса, буюрмасин, деяпти-ку. Пишик, йўлатмайди...”

Бултур хотини худди шу кулупнай туфайли онасини ҳам каттик ранжитган эди. Умри хола бир ховуч кулупнай олган экан, хадича болаларга нон пули бўлар деб экканмиз, норасталарнинг насибасига тегманг, деб бобиллаб берибди.

Шоикром ўшанда онасининг ёз бўйикелини биланюзкўрмас бўлиб юрганини эслади-да, яна ўша гап хаёлига келди. “Хадича анойи эмас, курумсок...”

У айланиб ёнгок тагига борди. Борди-ю, чиндан ҳам кўча томондаги деворнинг бир четиўпирилганини, остига тупрок тўкилганини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди.Назарида деворнинг кемтик жойидан биров мўралаб тургандай бўлди. Ёнгок шохларининг шамолда вишиллаши ҳам, оёғи остида тўкилиб ётган девор тпроги ҳам шубхали, ваҳимали кўриниб, дарров орқасига кайтди.

Хадича аллақачон уйга кириб кетибди. У чирокни ўчириб, сандал четига ётди-ю, кўнглидаги гулгула кучайиб кетаверди.

Кузда ўзи билан ишлайдиган йигитнинг ховлисидаги сўритокдан гарк пишиб ётган узумларини ўгирланвб кетишганини эслади. Шамол борган сари авжга чикар, ховлидагиёнгок барглари шовиллаб, шохлари гирчиллар, аллаким шип-шип кадам босиб, айвон лабига келаётгандай бўларди.

Хадича рост айтади. У кечалари сменада бўлса, хотини учта жўжа билан жон ховучлаб тонг оттирса, ўгригаўлжанини катта-кичиги борми? Кўлига нима илинса олаверади-да. Борди-ю, ўзи йўгида уйини ўгри босса, хотини дод солса, пичоклаб ташласа. У ёқдан онаси чикса, униям пичокласа... “ Виждонсиз! Одамларнинг бошига кулфат тушганидан фойдаланиб коладиганларни кириш керак”.

Бирдан хаёлига келган фикрдан унинг вужуди титраб кетди. Кора кунлари учун, не умидлар билан тишида тишлаб юрган гунажинини ўгирлагани учун, ўлим тўшагида ётган укасининг охирги насибасидан махрум қилгани учун, нон пули бўлар деб етиштирган мевасидан жудо қилаётгани учун шундок касос олсинки, ўша худо беҳабарлардан. У ўрнидан сакраб туриб кетди. Чирокни ёкиб, отилиб ховлига тушди. Хамон шамол ўкирар, осмоннинг гох у, гох бу бурчида чакмок яраклаб, ёнгок шохлари шубхали гийкиллар, аммо энди булар уни кўрkitолмас эди. У ёнбошидаги ошхонага кирди-ю, чўнтагидан гугурт олиб чакди. Титрок кўллари билан корайиб кетган девордаги михга илиглик турган икки ўрам симни олди. Бир вақтлар урушдан олдин у бу симларни базмларга олиб борар, одамларнинг ховлисини машъаладай ёритиб берарди. Эндиям яхшиликка хизмат қилсин!

“Менга деса отиб юбормайдими! – деб ўйлади у айвон лабига чўккайиб ўтирганича усти ёпик симни очик симга илдам уларкан.- Харна битта харомхўрни ўлдирганим. Биттаси ўлса, бошқалари адабини ейди”.

У чакон харакат қилар, аъзойи бадани терлаб кетган, аммо буни ўзи пайкамас, факат бир сўзни такрорларди: “Менга деса отиб юбормайдими!”

У симнинг очик қисмини кулупнай пушталари устига улоқтирди. Сим илондай биланглаб пушта устига тушди. Ёпик қисмини айвон тагидан олиб ўтди-да, бир учини устундаги илгакка тикиб кўйди. Кейин бирдан болалар кечаси ховлига тушса нима бўлади, деган хаёл миясига урилди-ю, уйга кирди. Хадича ётган жойида уйқусираб бошини кўтарди. - Ха?

- Ховлига чикма, болалар ҳам чикмасин, ўлади! – деди Шоикром кўзлари ёниб.

Хадича ҳеч нимага тушунмади шекилли, “хўп” деди-ю, бошини ёстикка ташлади. Зум ўтмай текис, чуқур нафас ола бошлади. Шоикром айвон чирогини ўчириб, яна уйга кирди. Хар эхтимолга қаршу шундок эшик тагига, намотга кўндаланг ётиб олди.

“Менга деса отиб ташламайдими? “ деб ўйлади яна ўшандай зарда билан. Шу топда негадир болаларини эмас, хотинини ҳам эмас, укасини ўйлади. Шонеъмат болалигида ҳам заифгина эди. Шоикром уни хар куни мактабдан ўзи олиб келар, иккинчи сменада дарс тугагунча пойлаб ўтирарди. Отаси ўлганида Шоикром олтинчида, укаси иккинчида ўкирди. Ўшанда Шонеъмат йигламаган, аммо ичкиб касал бўлиб қолганди. Она-бола уни авайлаб катта қилишди. Энди бўлса, беш кунлиги қолдими йўқми, ака бўлиб хабар ҳам ололмайди.

Шоикром ухламадими, йўқми, билолмади. Бир махал бола йигладими, ё ташқарида шамолнинг гувиллаши аралаш дахшатли бир фарёд қулогига кирдими, англай олмай қолди. Сапчиб ўрнидан туриб кетди. Айвон чирогини ёкиши билан кулупнай пуштасида мук тушиб ётган одам гавдасини кўрди-ю, дахшатдан қотиб қолди. Шу ондаёқ хато қилганини, қотиллик қилганини пайқади. Сим учини шартта илгакдан юлиб олиб, ховлига

отилди. “Бошқалари кочди” деган фикр лип этиб хаёлидан ўтди. Пушталар устида сакраб-сакраб юриб бораркан, оёги ботиб кетаётганини пайкади. Кейин гужунак бўлиб ётган одамдан уч кадам бериқокда тўхтади-ю, бирдан чўккалаб колди. Бир лахза кўзлари олайиб тикилиб турди-да, кўксидан шамол гувурини хам, ўз вужудини хам ларзага солувчи бир нидо отилиб чикди:

- Ойи-и-и!

У бошидан хуши учиб бораётганини элас-елас хис килиб ўзини ерга отди. Титрок кўллари билан лой чангаллаганча чўккалаб кўксига муштлай кетди.

- Ойи! Ойижон !

Умри хола бир кўли билан униккан чит кўйлагининг этагини махкам чангаллаб олган, этак ичида икки ховуч пишган-пишмаган аралаш кулупнайлар кўриниб турар, бошка кўли билан эса илондек симни ушлаб турарди. Шоикром унинг кулупнай кизили юккан, ёрилиб кетган бармоқларини, бўртган томирларини аник кўрди. Нарироқда, лойли арик ичида унинг калиши ётар, чамаси, сим оёгига текканида юлиб олмокчи бўлган-у, кўлига ўралашиб йикилган эди.

Шоикром лойли марзадан эмаклаб борганча, ўзини онасининг кучогига отди.

- Ойижон, очинг кўзингизни!- деди у гезариб кетган лаблари билан онасининг муздай юзидан ўпиб.

У анчадан кейин ўзига келди-ю, тепасида хотини турганини, кизчалари йиглаётганини пайкади. Бошини кўтариши билан марза четида чўнкайиб ўтирган Шонеъматга кўзи тушди. Неча хафталардан буён ўрнидан жилмай ётган укаси, афтидан, кандайдир куч топиб эмаклаб чиккан, кўйлагининг елкалари осилиб турар, катта-катта кўзлари вахима билан боқар эди.

-Нима килиб кўйдим, укам! – деди Шоикром яна балчикка беланган кафти билан юзини чангаллаб. Кейин яна онасининг устига ўзини ташлади. У онасини кўтаришга уринар, аммо онасининг икки букланган гавдаси негадир хеч тикланмас эди.

- Сут ичмай захар ичсам бўлмасмиди, - деди Шонеъмат овози титраб.

Шоикром бу ожиз, титрок товушдан сесканиб, укасига тикилиб колди.

- Захар ичсам бўлмасмиди,- деди Шонеъмат яна ўша охангда. Афтидан, у йиглай олмас, йиглашга мадори етмасди.- Кечаям айтувдим, кўнмадилар. Кулупнайга сут алишади, дедилар.

Шоикром бошка хеч нимани эшитмади. Эшитолмади. Фойдаси хам йўк эди.

* * *

Умри холани пешин намозига чикаришди. Гўристондан чикиб келишаётганида Шоикром одамларнинг ўзаро гапини эшитиб колди.

- Уруш тамом бўпти, эшитдингизми?

1967-йил